


БОЛАЛАРНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ



Болаларнинг таълим-тарбияси, улар вояга етаётган муҳит уларнинг келажак тақдирини белгилайди. Шу боисдан ҳеч биримиз болаларнинг келажакига бефарқ бўлолмаймиз.

Қумқўрғон тумани Агросаноат касб-ҳунар техникумида Болалар ишлари бўйича комиссияси аъзолари ва Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш шўъбаси ходимлари учун семинар ташкил этилди.

Унда ЮНИСЕФнинг миллий маслаҳатчилари, тренерлар Нигора Абдурахмонова, Нигора Козиева, Нурмуҳаммад Қурбоновлар томонидан болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, ушбу жараёнларга аралашиш, уларни ҳал қилиш, бу борада масъулларни жалб этиш каби масалалар амалий мисоллар ва инновацион услублар орқали тушунтириб берилди.

Семинарда иштирокчилар фикр мулоҳазаларини билдиришди ҳамда мавзуга доир маълумотларга эга бўлишди.